

Аудиторлик хизматини кўрсатиш бўйича

# **АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ**

2020 йил молиявий-хўжалик фаолиятини  
аудиторлик текшируви бўйича

**«Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамияти**

Тошкент шаҳри

**«Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамиятининг 2020 йил давридаги молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текшируви натижалари тўғрисидаги**

**АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ**

**«Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамияти реквизитлари:**

**Ҳуқуқий манзили:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 41/4-уй.

**Банки:** ЎзР TIF MB ShAB

**МФО коди:** 00407

**Ҳисоб рақами:** 2021 0000 0051 1769 8003

**ИНН:** 306 646 884

Аудиторлик ҳисоботи «EXPERT-AUDIT» ХК аудиторлик ташкилоти аудитори томонидан 2021 йилнинг 20-апрел № 01-090 сонли шартнома асосида тайёрланди.

«EXPERT-AUDIT» ХК аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2020 йилнинг 24-июнида берилган 00842 - сонли лицензияга эга, унга кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берилди.

«EXPERT- AUDIT» ХК аудиторлик ташкилоти Тошкент шаҳар Юнусобод тумани солиқ инспекцияси томонидан 2019 йил декабрда рўйхатга олинган.

Юридик манзили: Тошкент ш., Ахунбабаев кўчаси, 1/66- ўй

тел.: +99891554-52-77, +998 97 425-22-18

Ҳисоб-китоб ҳисобварағи: 2020 8000 5051 5577 7001,

“ДАВР банк”, МФО: 00981,

СТИР: 203 709 707, ИНН: 306 947 106,

E-mail: [expert-audit.uz@mail.ru](mailto:expert-audit.uz@mail.ru)

Директор: Юсупов Темур - 2020 йил 21- февралда руйхатга олинган 05667-сонли аудиторлик малака сертификатига эга.

Аудит текшируви 2020 йил давр бўйича ўтказилди.

Аудитда қатнашди:

Юсупов Темур	Аудитор, 21.02.2020 й. даги 05667-сонли аудиторлик малака сертификати
--------------	---

Аудиторлик текширувидан ўтказилиши керак бўлган молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва унинг аниқлиги бўйича жавобгарликни хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ўз зиммасига олади.

Аудиторлик ташкилоти ушбу молиявий ҳисобот бўйича ўз хулосаси учун маъсул ҳисобланади (70-сонли АФМС).

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни, “Солиқ кодекси”, “Аудитнинг миллий стандартлари”, “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари”га мувофиқ ўтказилди.

*Юсупов*

Текширув аудит дастурига мувофиқ ўтказилди, унинг давомида ишчи хужжатлар яратилди, уларга моҳияти бўйича тестлар, ички назорат тизими тестлари жараёнларининг баёни ва натижалари қайд қилинди.

Текширув шундай ўтказилдики, молиявий ҳисоботнинг аудиторлик текширувини режалаштириш ва ўтказиш ушбу ҳисоботнинг барча жиддий жиҳатларининг аниқлиги ва текширув даврида ўтказилган хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги тўғрисида ўз фикрини айтиш учун етарлича маълумотлар ва ахборот тўплаш мақсадида амалга оширилди.

Текширув жараёни аудиторлик процедуралари ва ички назорат тизими тестларини ўтказиш давомида олинган аудиторлик далилларини йиғишни ўз ичига олади.

«Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан аудиторга тақдим этилган молиявий ва у билан боғлиқ бўлган бошқа ҳисоботлар танлаб олиш асосида тестдан ўтказилади ва у «EXPERT- AUDIT» ХК аудиторлик ташкилотининг ички стандартларига мувофиқ белгилаб берилган аудиторлик таваккалчилиги доирасида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2-сонли «Муҳимлилик ва аудиторлик таваккалчилиги» аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти муҳимлиқнинг йўл қўйиладиган чегаравий даражасини ўрнатмаганлиги учун аудитор бундай даражани мустақил ўрнатиш ҳуқуқига эга. Молиявий ва у билан боғлиқ бўлган бошқа ҳисоботлар мавжуд маълумотларнинг муҳимлиқ даражаси «Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамияти соф фойда кўрсаткичининг 90% ва аудиторлик таваккалчилиги эса ўша кўрсаткичнинг 10% миқдорида белгиланди. Бунда аудитор аудиторлик текширувини аудитор фикрини ифодалаш учун оқилона асос бўладиган тарзда режалаштирди ва ўтказди.

Қуйида 3-сон «Аудитни режалаштириш» аудитни миллий андозаси 1- ва 2-иловаларига кура «Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамиятида аудиторлик текшируви ўтказиш режа-графиги илова қилинади.

#### Аудиторлик текшируви режа-графиги:

Текшириладиган корхона: «Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамияти .

Аудит даври : 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача.

Аудиторлар гуруҳи раҳбари: Т.Юсупов

Аудиторлар гуруҳи таркиби: Т.Юсупов

Режалаштирилаётган аудиторлик хатари : баланс валютасидан 5 %

Режалаштирилаётган жиддийлик даражаси: 70%

ТҲР	Режалаштирилган иш тури	Ўтказиш даври	Бажарувчи
1	Жамиятнинг ҳисоб сиёсати	1 кун	Т.Юсупов
2	Товар айланишини аниқлаш	3 кун	Т.Юсупов
3	Тахлилий ишлар	3 кун	Т.Юсупов

#### АУДИТ ДАСТУРИ

ТҲР	Аудиторлик амаллари руйхати	Бажарувчи	Аудитор иш хужжатлари
1	Таъсис хужжатларини текшириш	Т.Юсупов	Низом
2	Бухгалтерия ҳисоби ташкил этилиши, ҳисоботлар ҳолатини текшириш	Т.Юсупов	Ҳисоб сиёсати
3	Узок муддатли инвестициялар ҳисоби	Т.Юсупов	0600-счёт
4	Асосий воситалар	Т.Юсупов	0100-счёт
5	Хом-ашё ва материаллар ҳисоби	Т.Юсупов	Бухгалтерия регистрлари

6	Касса операциялари ҳисоби	Т.Юсупов	Касса дафтари, хисоботлари
7	Ҳисоб ракамдаги операциялар ҳисоби	Т.Юсупов	2-журнал-ордер
8	Мол етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан муамалар ҳисоби	Т.Юсупов	6000,4000,4110,6100 счётлар
9	Бюджет билан ҳисоблашишлар аудити	Т.Юсупов	Баланс ҳисоботи, ҳисоб-китоблар
10	Молиявий натижалар аудити	Т.Юсупов	Баланс ҳисоботи

Аудиторлик ҳисоботида мавжуд бўлган маълумотлар конфиденциал ҳисобланади ва ошкор қилиниши мумкин эмас.

### КИРИШ ҚИСМИ.

#### «Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамияти фаолиятининг умумий тавсифи:

«Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ-5584-сонли “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва жамият ягона акционери Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 13 августдаги 7к-ПО-сонли буйруғига асосан мўлжалланмаган муддатга ташкил этилган.

#### «Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамияти фаолиятининг мақсадлари:

- Жамият фаолиятининг асосий мақсади мамлакат ичидаги аэропортларни ривожлантириш, шунингдек акциядорларнинг манфаатлари йўлида фойда (даромад) олишдир;
- Жамиятнинг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардир:
  - аэропортларни узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
  - аэропортларда авиаташувчилар йўловчиларига юқори даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш, улар учун барча барча зарур шарт-шароитларни яратиш;
  - аэропортлар тегишли хизматларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, йўловчилар, юк, почта ва багажга хизмат кўрсатиш жараёнини оптималлаштириш;
  - аэродромларни парвозларга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, парвозларнинг мунтазамлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш, аэродромларни таъминлаш ва уларни таъмирлашнинг замонавий усулларини жорий этиш;
  - хаво кемаларига ёқилғи қуйиш ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланиладиган ёқилғи ва бошқа ёқилғи-мойлаш материаллари билан узлуксиз таъминлаш, шунингдек, уларнинг сифатини қатъий назорат қилиш;
  - логистика соҳасида хизматларни сифатли кўрсатиш учун инфратузилмани такомиллаштириш ва қулай шарт-шароитлар яратиш;
  - аэропортларда савдо, овқатланиш, йўловчиларга банк ва бошқа хизматлар кўрсатувчи замонавий объектлар тармоғини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кенгайтириш;
  - фуқаро авиациясининг ноқонуний аралашини ҳаракатларидан химоя қилишга қаратилган қоида ва амалиётларни ҳамда давлат нормаларнинг талабларини бажариш орқали парвозлар хавфсизлиги ва режим куриқлашнинг юқори даражада таъминлаш.

*Handwritten signature*

Текширилаётган давр учун «Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари қуйидагилардан иборат булган:

**Биринчи имзо қуйиш ҳуқуқи билан:**

А) Исмаилов Ровшан Мирхалилович 2020 йилда тўлик ишлаган.(27.08.2019й. буйруқ №1/л)

**Иккинчи имзо қуйиш ҳуқуқи билан:**

- *бош ҳисобчи вазифасида:*

Б) Жданова Эльмира Фаритовна 2020 йилда тўлик ишлаган.(12.09.2019й. буйруқ №3/л)

**II. АНАЛИТИК ҚИСМ.**

**Аудит мақсадлари ва усуллари.**

Аудит текшируви утказиш жараёнида корпоратив пластик карта ҳисобини юритишда йул қуйилган камчиликлар курсатиб утилиб, уларга «Юридик шахслар томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом» коидаларига амал қилиш бўйича курсатма ва тавсиялар берилди.

«Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамияти бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг ташкилий-услубий асослари Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1996й. даги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, «Жамият молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси», уни қўллаш бўйича йўриқнома, «Маҳсулотларни (ишларни, товарларни) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича ҳаражатлар тузиш ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом», «Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС)», Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси билан тартибга солинади.

Корхонанинг ўзига хос хусусиятлари ва фаолият турини акс эттирувчи бухгалтерия ҳисобининг аниқ бир шакли ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида шаклланган.

Корхонада бухгалтерия ҳисоби компьютер дастурини қўллаган ҳолда олиб борилади. Бош китоб компьютерда чоп қилинади.

Барча моддий мулкларга жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган.

Аудит жараёнида танлаб олиш усули билан 01.01.2020 й. дан 31.12.2020й. гача бўлган давр ҳужжатлари текширилди.

Аудит текширувига тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тулиқлиги учун корхона маъмурияти жавобгардир.

Мазкур ҳисобот 01.01.2020й. дан 31.12.2020й. гача бўлган даврдаги бухгалтерия ҳисоботлари сатрларининг тўлиқлиги ва тўғрилиги ҳамда хўжалик операцияларини ўтказишда Ўзбекистон Республикаси қонунларига амал қилинишининг аудиторлик текшируви натижалари бўйича тайёрланди.

Ушбу аудитнинг мақсади молиявий ҳисобот сатрларининг тўлиқлиги ва тўғрилиги даражаси, бухгалтерия ҳисоби «Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамиятидаги ички ҳисоб ва назорат тизими томонидан амалга оширилаётган амалдаги Қонунчиликка мувофиқ юритиши тўғрисидаги фикрни ифодалаш ҳисобланади.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Аудит фаолиятининг Миллий Стандартлари талаблари ҳисобга олинди.

Аудитнинг дастлабки боскичида 31-сонли Аудит фаолиятининг Миллий Стандартига мувофиқ аудит қилинаётган объект бизнесининг ўзига хос хусусиятлари, унинг фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий муҳит, ҳужжатлар алмашинуви ва ички назорат тизими фикримизга кўра аудиторлик процедуралари ва аудиторлик ҳулосаси кўламларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ходисалар, операциялар ва иш усулларини аниқлаш ва тушунишга етарли бўлган ҳажмда ўрганиб чиқилди. Олинган натижалар асосида аудиторлик таваккалчилигининг даражаси, унга мос бўлган аудиторлик процедураларининг ҳажми аниқланди ва аудиторлик текшируви дастури тузилди.

3-сонли «Аудитни режалаштириш» Аудит фаолиятининг Миллий Стандартига мувофиқ текширув ўтказиш аудиторлик далилларини олишда қўлланилган усуллар ва процедуралар аудиторлик таваккалчилиги, таваккалчиликни назорат қилишга мос бўладиган тарзда амалга оширилди ва таваккалчиликлар аниқланмади.

Аудитни ўтказишда молиявий-хўжалик фаолияти ва бухгалтерия ҳисобини юритишнинг Ўзбекистон Республикаси нинг қуйидаги қонуний ҳужжатларига мувофиқлиги баҳоланди:

- а). Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандартлари;
- б). Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни;
- в). Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси;
- г). Ҳаражатларни тузиш ва молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисидаги Низом;
- д). Ўзбекистон Республикасидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятларини тартибга солувчи бошқа қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Аудит Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандартлари талабларига мувофиқ ўтказилди.

Аудиторлик процедураларини бажаришда қуйидаги маълумот манбаларидан фойдаланилди:

- 2020 йил бухгалтерия баланси (1-сонли шакл) иловалари билан биргаликда;
- 2020 йил учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл);
- 2020 йил учун солиқлар ва ўтказмалар бўйича ҳисоб-китоблар;
- Бошқа бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари.

Тақдим этилган маълумотлар ҳажмини ўрганиб чиқиш бўйича аналитик процедуралар, муҳимлиги бўйича ҳисобварақлар сальдосини текшириш процедуралари, ходимлар ўртасида сўров усуллари, узлуксиз, тўлиқ ва тасодифий танлаб олиш усуллари қўлланилди.

Молиявий ва бошқа маълумотларни ўрганиш ҳажмини етарли ва қўлланилган аудиторлик процедуралари керакли аудиторлик далилларини олиш учун мос деб ҳисоблаймиз.

### **Ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ҳисобини ташкиллаштириш ва ички назорат тизими.**

Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1998 йилнинг 26 июнида 474-сон билан рўйхатга олинган 1-сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботлар» Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандартига кўра ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишлари керак.

*Handwritten signature*

Ҳисоб сиёсати ҳисобот даври бошлангунича жамият раҳбари томонидан буйруқ, фармойиш шаклида узоқроқ муддатга тасдиқланади. Ҳисоб сиёсатидан бошқарув мақсадлари учун бухгалтерия ҳисобининг тўғрилигини қонуний асословчи ҳужжат сифатида ва солиқ тўловчилар билан солиқ органлари ўртасидаги баҳсли масалаларни ҳал қилишда фойдаланилади.

Корхона бухгалтериясида Ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилган.

Бухгалтерия хизмати фаолияти устидан назорат корхона бош ҳисобчисига юклатилган. Бухгалтерия ҳисоби мемориал-ордер тизимида юритилади. Бош китоб юритилган.

Ички назорат тизимининг самарадорлиги унинг мақсадларига, яъни қуйидагиларга эришиш нуқтаи-назаридан баҳоланди:

- Маълумотлар тўлиқлиги ва аниқлигининг мақбул даражасини таъминлаш
- Активларни сақлаб қолиш
- Раҳбарият молиявий-хўжалик сиёсатини бажариш

Ички назорат тизимининг қуйидаги муҳим объектлари ўрганиб чиқилди:

- Харажатлар самарадорлигини назорат қилиш
- Курсатилган хизматлардан олинган даромадларнинг тўлиқлигини назорат қилиш
- Активларни сақлаб қолинишини назорат қилиш
- Ҳисоб тизими

Ички назорат тизимининг самарадорлигини аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олинди:

• Маълумотларни шакллантиришда қатнашувчи ходимлар доираси ва ишларни юритиш ва маълумотларни шакллантириш бўйича улар ўртасидаги тартибланган муносабатларнинг мавжудлиги;

• Назоратнинг техник воситаларининг мавжудлиги;

• Компьютер операциялари устидан назоратнинг самарадорлиги.

Корхона ички назорат тизимини тестдан ўтказиш умуман олганда ички назорат тизимининг ишончли эканлиги ва жамият фаолияти кўламига мос келиши тўғрисида ҳулоса чиқаришга имкон беради.

### **Узоқ муддатли активлар ҳисоби.**

#### **Асосий воситалар ҳисоби.**

#### Ахборот манбалари:

- бухгалтерия баланси (1-сонли шакл);
- ҳисобварақ карточкаси;
- оборот-сальдо қайдномаси.

Асосий воситалар билан оперциялар ҳисоби ҳамда капитал сармояларни аудит қилишда қуйидагилар текширилди:

- амортизацияни ҳисоблашнинг тўғрилиги;
- баланс қийматини аниқлашнинг тўғрилиги;
- операциялар ҳисобида тушумлар, ички кўчиш ва чиқиб кетишларни акс эттиришнинг тўғрилиги.

*Handwritten signature*

*Асосий воситалар* - бу узоқ (бир йилдан кўп) давр ичида моддий ишлаб чиқариш соҳасида, ноишлаб чиқариш соҳасида, шунингдек ижарага беришда фойдаланиладиган моддий активлардир. Асосий воситаларни актив сифатида тан олиш дастлабки қиймати (барча харажатларни ҳисобга олган ҳолдаги сотиб олиш баҳосида) бўйича қабул қилиш далолатномалари ва киритиш далолатномалари асосида амалга оширилади.

Асосий воситалар аудити қуйидаги меъёрий ҳужжатлар бўйича амалга оширилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1996й.даги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 26.05.2000й. даги 78-II-сонли «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрирда).

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (асосий воситаларни амортизация қилиш меъёрлари)

Ўзбекистон Республикаси нинг 25.12.2007й. даги Ўзбекистон РеспубликасиҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2003 йилнинг 9 октябрида 114-сон билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 20.01.2004й. да 1299-сон билан рўйхатга олинган 5-сонли БҲМС «Асосий воситалар».

Бухгалтерия баланси ва оборот-сальдо қайдномасига мувофиқ асосий воситалар:

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
<b>Асосий воситалар:</b>			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	1 764 602	2 106 558
Эскириш суммаси (0200)	011	29 410	436 554
колдик (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	012	1 735 192	1 670 004

Асосий воситалар амалдаги ВМ нинг № 490-сонли қарорига мувофиқ қайта баҳоланган.

**Хулоса:**

0100 «Асосий воситалар» ҳисобварағи бўйича четланишлар - йўқ.

Аудит текшируви утказиши жараёнида асосий воситалар ҳисоби ва асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш ҳисобининг юритилиши бўйича тавсиялар берилди.

**1000 «Товар-моддий захиралар ҳисоби» ҳисобварақлари аудити.**

**Ахборот манбалари:**

- бухгалтерия баланси (1-сонли шакл);
- ҳисобварақ карточкаси;
- оборот-сальдо қайдномаси.

Қимматликларни товар-моддий захираларга киритиш тартиби ва уларни ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2006 йил 15 июндаги 52-сонли буйруғи билан тасдиқланган (17.07.2006й. да 1595-сон билан рўйхатга олинган

Ўзбекистон Республикаси) 4-сонли «Товар-моддий захиралар» Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти билан тартибга солинади.

Товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисобига кўйиладиган асосий талаблар куйидагилар ҳисобланади:

- захиралар ҳаракати (кирим, чиқим, кўчириш) ва мавжудлигининг тўлиқ, узлуксиз ва тўлиқ акс эттирилиши;
- умумий қоида бўйича захираларнинг ҳаракати (кирим қилиниши, кўчирилиши, чиқим қилиниши) операциялари бирламчи ҳисоб ҳужжатлари билан расмийлаштирилиши керак;
- захиралар миқдори ва баҳосининг ҳисоби;
- захиралар ҳисобининг тезкорлиги (ўз вақтидалилиги);
- ишончлилиқ;
- омборхона ҳисоби ва жавобгар шахс ҳисобдорлигидаги захиралар ҳаракатининг тезкор ҳисоби маълумотларининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мослиги.

Моддий қимматликлар билан операциялар ҳисобининг аудитида куйидагилар текширилди:

- олиш, ички кўчириш ва чиқариб юбориш операциялар ҳисобида акс эттиришнинг тўғрилиги.

Жамиятда товар-моддий захиралар ҳисоби моддий-жавобгар шахслар бўйича олиб борилган.

Моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик тугрисида шартномалар тузилган.

Қорхонада берилган ишончномаларни руйхатга олиш китоби 2020 йил учун юритилган.

Бухгалтерия баланси ва оборот-сальдо қайдномасига мувофиқ товар-моддий захиралари:

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
Товарно-материальные запасы, всего (стр.150+160+170+180), в том числе:	140	15 185	32 394
Производственные запасы (1000, 1100, 1500, 1600)	150	15 185	32 394

Жамиятнинг активлари бутлигини сақлаш мақсадида 2020 йил 22 сентябр № 74-сонли буйруғига асосан жамиятда мавжуд бўлган барча тавар моддий захиралари комиссия иштирокида санокдан ўтказилган.

1. Бойка И.Б жавобгарлигидаги асосий воситаларни 01.10.2020 йилги 1-сонли санок комиссиясининг санок далолатномасида бухгалтерия ҳисоби бўйича 262 дона 2106557967,67 сўмни ташкил этганлиги кўрсатилган бўлиб, санок натижасида ҳам 262 дона 2106557967,67 сўмни ташкил этган, яъни камомад ёки ортикча аниқланмаган.
2. Бойка И.Б жавобгарлигидаги товар моддий бойликларни 01.10.2020 йилги 1-сонли санок комиссиясининг санок далолатномасида бухгалтерия ҳисоби бўйича 1299 дона 7288022,81 сўмни ташкил этганлиги кўрсатилган бўлиб, санок натижасида ҳам 1299 дона 7288022,81 сўмни ташкил этган, яъни камомад ёки ортикча аниқланмаган.
3. Бойка И.Б жавобгарлигидаги 014-счёт арзон баҳо ва тез эскирувчи буюмларни 01.10.2020 йилги санок комиссиясининг санок далолатномасида бухгалтерия ҳисоби бўйича 1023,28 дона 660116623,01 сўмни ташкил этганлиги кўрсатилган

- бўлиб, саноқ натижасида ҳам 1023,28 дона 660116623,01 сўмни ташкил этган, яъни камомад ёки ортикча аниқланмаган.
4. GRISHENKO ASHXEN SAMVELOVNA жавобгарлигидаги товар моддий бойликларни 01.10.2020 йилги 2-сонли саноқ комиссиясининг саноқ далолатномасида бухгалтерия хисоби бўйича 131 дона 372783,60 сўмни ташкил этганлиги кўрсатилган бўлиб, саноқ натижасида ҳам 131 дона 372783,60 сўмни ташкил этган, яъни камомад ёки ортикча аниқланмаган.
  5. GRISHENKO ASHXEN SAMVELOVNA жавобгарлигидаги 014-счёт арзон баҳо ва тез эскирувчи буюмларни 01.10.2020 йилги 4-сонли саноқ комиссиясининг саноқ далолатномасида бухгалтерия хисоби бўйича 1 дона 639000 сўмни ташкил этганлиги кўрсатилган бўлиб, саноқ натижасида ҳам 1 дона 639000 сўмни ташкил этган, яъни камомад ёки ортикча аниқланмаган.
  6. KURBANBAYEVA GULMIRA TASHPULATOVNA жавобгарлигидаги товар моддий бойликларни 01.10.2020 йилги 2-сонли саноқ комиссиясининг саноқ далолатномасида бухгалтерия хисоби бўйича 66 дона 6864000 сўмни ташкил этганлиги кўрсатилган бўлиб, саноқ натижасида ҳам 66 дона 6864000 сўмни ташкил этган, яъни камомад ёки ортикча аниқланмаган.
  7. ABDUGANIEVA XUMORAXON BOTIR QIZI жавобгарлигидаги товар моддий бойликларни 01.10.2020 йилги 3-сонли саноқ комиссиясининг саноқ далолатномасида бухгалтерия хисоби бўйича 1039 дона 1353400 сўмни ташкил этганлиги кўрсатилган бўлиб, саноқ натижасида ҳам 1039 дона 1353400 сўмни ташкил этган, яъни камомад ёки ортикча аниқланмаган.

*Бухгалтерия баланси ва оборот-сальдо қайдномасига мувофиқ товар-моддий захиралари қолдиги 31.12.2020 йил ҳолатига 32394,0 минг сумни ташкил этган бўлиб, бирламчи ҳисобот кўрсаткичлари билан мос келади.*

Аудит текшируви ўтказиш жараёнида товар-моддий захиралар хисобининг юритилиши бўйича тавсиялар берилди.

**Хулоса:**

*1000 «Товар-моддий захиралар ҳисоби» ҳисобварағи бўйича четланишлар - йўқ.*

**Келгуси давр харажатлари аудити.**

Жамият балансининг 190 сатр № 31 счёт келгуси давр харажатлари счётида 2020 йил 31 декабр ҳолатига 29397,0 минг сўм қолдиқ бўлиб (ушбу харажатлар) жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, солиқ қонунчилиги янгиликларидан хабардор бўлиб туриш мақсадида солиқ инфо газетасига обуна бўлганлиги натижасида вужудга келган. Ушбу сумма бухгалтерия миллий стандартлари бўйича пропорционал равишда хар ой ҳисоблаб ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Вақуйидаги проводка берилади

Дебит	Кредит
9420	3190

Маъмурий харажатлар

**Ҳисоб рақами**

Ахборот манбалари:

- бухгалтерия баланси (1-сонли шакл);
- ҳисобварақ карточкиси;
- оборот-сальдо қайдномаси.

*Ҳисоб*

Ҳисоб-китоб ҳисоб-варағи бўйича операцияларни ўтказиш ва расмийлаштириш Марказий банк томонидан ўрнатилган қоидалар билан тартибга солинади:

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги Низом.

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлари.

Ҳисоб рақами бўйича бухгалтерия баланси кўрсаткичларида:

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
<b>Денежные средства, всего (стр.330+340+350+360), в том числе:</b>	<b>320</b>	<b>4 442 068</b>	<b>42 632 841</b>
Денежные средства в кассе (5000)	330	-	-
Денежные средства на расчетном счете (5100)	340	1 045 473	5 811 085

*Ҳисоб-китоб ҳисобварағи бўйича қолдиқлари бирламчи банк кўчирмаларига мос келади.*

Аудит текшируви ўтказиш жараёнида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳисобининг юритилиши бўйича кўрсатма ва тавсиялар берилди.

#### **Мол етказиб берувчилар, харидорлар, бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоблашишлар**

Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан жорий ҳисоблашишлар тегишли шартномалар асосида амалга оширилган.

Бухгалтерия баланси кўрсаткичларида жами дебиторлар:

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
<b>Дебиторы, всего (стр.220+230+240+250+260+270+280+290+300+310)</b>	<b>210</b>	<b>1 608 091</b>	<b>55 953 301</b>
из нее: просроченная			
Задолженность дочерних и зависимых обществ (4120)	240	-	32 045 597
Авансы, выданные персоналу (4200)	250	1 361	36 574
Авансы, выданные поставщикам и подрядчикам (4300)	260	-	8 511 655
Авансовые платежи по налогам и сборам в бюджет (4400)	270	-	15 265 125
Авансовые платежи в государственные целевые фонды и по страхованию (4500)	280	-	1 273
Задолженность персонала по прочим операциям (4700)	300	3	-
Прочие дебиторские задолженности (4800)	310	1 606 727	93 077

Йил бошида дебитор қарздорлик 1 608 091,0 минг сумни ташкил этган, йил охирида 55 953 301 сумни ташкил этган, дебитор қарздорлик йил охирида 54 345 210,0 минг сумга ошган.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия миллий стандартларига кўра ҳисобот даври тугашида (чораклик, олти ойлик, тўққиз ойлик) ва айниқса йиллик ҳисобот даври тугашида молиявий алоқада бўлган барча ташкилот ва корхоналар билан ўзаро салиштирма далолатнома ( акт сверка) тузиши лозим, жамиятда 2021 йил 1 январ ҳолатига қолдиқлар бўйича солиштирма далолатнома мавжуд эмас.

Аудит текшируви ўтказиш жараёнида мавжуд қарздорликни ўз вақтида ўндириб олиш лозимлиги бўйича тавсиялар берилди.

### **Мехнатга ҳақ тўлаш ва иш ҳақидан даромад солиғи, ижтимоий суғурта жамғармаларига мажбурий ўтказмалар ҳисоби.**

Иш ҳақини ҳисоблаш компьютер дастурида иш ҳақи ҳисоблаш ведомостларида акс эттириб борилган. Вақтбай иш ҳақи асосида иш ҳақи ҳисобланган. Иш вақтини ҳисоблаш табели компьютерда юритилган.

Корхонада штат жадвали ва тариф сеткаларига мувофиқ иш ҳақи ҳисобланган.

Бундан ташқари корхона ходимларига овқат пули, мукофот пуллари, моддий рағбатлантириш тўловлари, моддий ёрдам ва қишлоқ хужалик маҳсулотлари олиш учун компенсация тўловлари амалга оширилган.

Бухгалтерия баланси кўрсаткичларида:

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
Авансы, выданные персоналу (4200)	250	1 361	36 574
Задолженность по оплате труда (6700)	720	494 299	7 268

Корхона бухгалтерия баланснинг 720-сатрида мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзи иш ҳақи ҳисоблаш кайдномалари кўрсаткичларига мос келади.

Бундан ташқари жамиятга сафар харажатлари ҳисобини юритиш бўйича ҳам кўрсама ва тавсиялар берилди.

### **Кооператив пластик картадан фойдаланишни текшириш.**

Жамиятда 2020 йилда НБУ банкдан қуйидаги ишчи ходимларга кооператив пластик карточкалари очилан

1. BOYKO ILMIRA BABAMURATOVNA жавобгарлигига.
2. SERGEYEV ANDREY ARKADEVICH жавобгарлигига.

Карточкалар қуйидаги мақсадларда ишлатилган;

- Канцелярия таврлари сотиб олишга.
- Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишга
- Мехмонларни кўтиб олишга.

## Солиқ ва ажратмалар ҳисоби

### Ахборот манбалари:

- ҳисоб-китоблар;
- бирламчи ҳужжатлар;
- бош китоб.

Бюджет билан ҳисоб-китобларни текширишда қуйидагилар текширилди:

- солиқ олинувчи базанинг тўғри ҳисобланганлиги;
- солиқ ставкаларининг тўғри қўлланилганлиги.

Бухгалтерия баланси кўрсаткичларида:

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
Авансовые платежи по налогам и сборам в бюджет (4400)	270	-	15 265 125
Авансовые платежи в государственные целевые фонды и по страхованию (4500)	280	-	1 273
Задолженность по платежам в бюджет (6400)	680	63 884	337 826
Задолженность по платежам в государственные целевые фонды (6520)	700	200869	25

Корхона томонидан 2020 йилда солиқ ва ажратмалар ҳисобланиши ва тўлови қўйидагича бўлган:

### **Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи**

Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи 1 037 022,7 минг сўм ҳисобланган бўлиб, текширувда фарқ аниқланмади.

### **Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағига ажратмалар**

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағига ажратмалар 8 641,8 минг сўм ҳисобланган бўлиб, текширувда фарқ аниқланмади.

### **Ягона ижтимоий тўлов**

Жорий йилда Ягона ижтимоий тўлов бўйича 328 746,4 минг сўм ҳисобланган бўлиб текширувда фарқ аниқланмади.

### **Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варағига ушланмалар.**

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варағига ушланмаларни аниқлаш ва тўлашда биз қуйидагиларга амал қилдик:



1. Ўзбекистон Республикасининг 02.12.2004й. даги 702-II-сонли «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти» Қонуни;

2. Молия Вазирлигининг 31.01.2005й. даги БА / 3001-21-сонли йўрқиномали хати, Давлат Солиқ қўмитасининг 2005/20-сонли йўриқномаси, Марказий банкнинг 17-30/115-КХ-сонли йўриқномаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 18/452-сонли «Иш берувчилар томонидан ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномаси;

3. Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 октябрда 1515-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар ходимнинг ҳисобланган иш ҳақининг (даромадининг) солиқ солинадиган суммасидан 0,1% ҳажмида ушбу суммани қонунчиликка кўра жисмоний шахсларнинг даромадларига ҳисобланган солиқдан чегириб ташлаш билан ҳисобланади.

#### **Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи**

Жамият ижарада турганлиги яъни ўзига тегишли ер майдони ҳам кучмас мулк объекти ҳам йўқлиги сабабли, ер солиғи тўламайди.

#### **Мол-мулк солиғи**

Жамият ижарада турганлиги яъни ўзига тегишли ер майдони ҳам кучмас мулк объекти ҳам йўқлиги сабабли, мол мулк солиғи тўламайди.

#### **Қўшилган қиймат солиғи**

Жамият 2020 йил қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлиб, қўшилган қиймат солиғи Давлат солиқ инспекциясига ойма ой тақдим этилишини инобатга оладиган бўлсак, текширувга 12 ойлик қўшилган қиймат солиғи ҳисоботини алоҳида алоҳида иловалари билан тақдим этилмаганлиги сабабли, тўлиқ текшириш имконияти бўлмади. Текширувга тақдим этилган 2020 йил декабр ойи ҳисоботидан кўриниб турибдики, сотилган товар, иш хизматлар хажмига нисбатан, мол етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналардан олинган товар, иш ва хизматлар хажми ортиқчаллиги сабабли 2020 йил декабр ойи ҳисоботи бўйича Давлат солиқ инспекциясига 622363,9 минг сумлик қўшилган қиймат солиғи бўйича ортиқча тўловга ҳисобот топширган.

#### **Фойда (даромад) солиғи**

Жамият 2020 йил учун Давлат солиқ инспекциясига топширган фойда (даромад) солиғи ҳисоботида Жамиятнинг 2020 йил соф тушум 9000-счёт, бошқа даромад 9300-счёт ва молиявий фаолиятдан олинган даромад 9500-счётлардаги соф тушум ва бошқа даромадларидан тушган тушум жами 25 422 011,6 минг сумни, 9410-счёт сотиш харажатлари, 9420-счёт маъмурий харажатлар, 9430-счёт бошқа операцион харажатлар, 9600-счёт молиявий фаолиятнинг бошқа харажатлари жами 25293413,6 минг сумни, солиқ тўлагунга қадар фойда  $(25422011,6 - 25293413,6) = 128598,0$  минг сумни ташкил этган бўлиб, бунга фойда даромад солиғини ҳисоблашда солиқ кодексининг 317-моддасига асосан чегирилмайдиган харажати 201440,2 минг сўмни қўшиб  $(128598,0 + 201440,2) = 330038,2$  минг сумдан фойда (даромад) солиғи ҳисоботининг 3

иловаси бўйича ҳисобот давридан аввалги йил молиявий фаолиятни зарар билан яқунлаган корхоналар жорий солиққа тотиладиган базани 50% дан 60% гача камайтириб солиқ тўловини тўлаш имкониятига эга эканлиги сабабли 330038,2 минг сумлик солиқ базасининг 50% яъни 165019,1 минг сумга 15%лик ставка бўйича 24752,9 минг сумлик фойда даромад солиғи тўлаш учун ҳисобот топширилган.

### Соф тушум ҳисоби

Ахборот манбалари:

- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл);
- оборот-сальдо қайдномаси;
- бирламчи хужжатлар.

Аудит текширув жараёнида соф тушум ҳисобини юритиш бўйича тушунтириш ва тавсиялар берилди.

### Харажатлар ҳисоби

#### Давр харажатларини ҳисобга олиш.

Ахборот манбалари:

- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-сонли шакл);
- оборот-сальдо қайдномаси.

Давр харажатлари таркиби Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади (ЎзР ВМ ҚТ 1999 й. N 2 9-бет).

Давр харажатлари жамият бўйича қўйидаги ҳисобварақларда амалга оширилади:

- 9410 «Сотиш харажатлари»;
- 9420 «Маъмурий харажатлар»;
- 9430 «Бошқа операцион харажатлар».

9410 «Сотиш харажатлари» ҳисобварағи бўйича маҳсулот (товар, ишлар ва хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари ва бошқа харажатлар ҳисобга олинади. Ҳисобот даврининг охирида 9410 «Сотиш харажатлари» ҳисобварағи 9910 «Яқуний молиявий натижа» ҳисобварағи билан корреспондентликда ёпилади.

9420 «Маъмурий харажатлар» ҳисобварағи бўйича Жамиятни бошқариш бўйича харажатлар, бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, умуммаъмурий мақсадлардаги асосий воситаларини таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадларидаги биноларнинг ижара тўлови ва бошқа харажатлар ҳисобга олинади. Ҳисобот даврининг охирида 9420 «Маъмурий харажатлар» ҳисобварағи 9910 «Яқуний молиявий натижа» ҳисобварағи билан корреспондентликда ёпилади.

9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига тўлов бўйича харажатлар, товон ва рағбатлантирувчи кўринишдаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, банк ва депозитарий хизматлари учун

тўловлар, зарарлар, жарималар, пенялар ва ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият билан боғлиқ бўлмаган операцион фаолият жаарёнида вужудга келувчи ва харажатларнинг фавкулдда сатрлари сифатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9430 «Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағи 9910 «Яқуний молиявий натижа» ҳисобварағи билан корреспондентликда ёпилади.

### Молиявий натижа ҳисоби

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Корхона ҳисоби бўйича		Аудит бўйича	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010	1532056	x	1 532 056	x
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	020	X		x	
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)	030	1532056		1 532 056	
Давр харажатлари. жами (сатр.050+060+070+080), шу жумладан:	040	x	22305619	x	22 305 619
Сотиш харажатлари	050	x	403329	x	403 329
Маъмурий харажатлар	060	x	11013596	x	11 013 596
Бошқа операцион харажатлар	070	x	10888694	x	10 888 694
Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари	080	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090		x		x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	100		3537672		3 537 672
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан:	110	6654065	x	6 654 065	x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		x		x
Фоишлар шаклидаги даромадлар	130	950489	x	950 489	x
Молиявий ижарадан даромадлар	140		x		x
Валюта курси фаркидан даромадлар	150	5703576	x	5 703 576	x
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		x		x
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:	170	x	2987795	x	2 987 795
Фоишлар шаклидаги харажатлар	180	x		x	
Молиявий ижара бўйича фоишлар шаклидаги харажатлар	190	x		x	
Валюта курси фаркидан зарарлар	200	x	2987795	x	2 987 795
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	x		x	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170)	220	128598		128 598	
Фавкулддаги фойда ва зарарлар	230				

Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)	240	128598		128 598	
Фойда солиғи	250	х	24753	х	24753
Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260	х		х	
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)	270	103845			103845

### III. ЯКУНИЙ ҚИСМ. Хулосалар ва тавсиялар.

#### **1. Ҳисоб ва назоратни ташкиллаштириш бўйича:**

Аудиторлар томонидан корхонага бухгалтерия ҳисобини юритишда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ олиб бориш ва қонунчиликдаги ўзгаришларни ўз вақтида маълумот учун қабул қилиш тавсия қилинди.

#### **2. Аудит натижалари бўйича молиявий ҳисоботларнинг тўғрилиги ва фаолиятнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги:**

«Uzbekistan Airports» Акциядорлик жамиятининг 2020 йил якуни бўйича молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатлари бўйича ҳаққоний акс эттирилган. Актив ва пассив 31.12.2020 йилдаги маълумотларга мос келади, амалдаги қонунчилик ва Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг меъёрий ҳужжатларига мувофиқдир. Муҳим жиҳатлари деганда хўжалик-молиявий фаолият ва иқтисодий ҳолатни акс эттиришнинг мулкдорлар ва бошқа шахсларга қарорлар қабул қилиш учун тўғри маълумотлар берувчи аниқлик даражаси тушунилади.

«12» «май» 2021 йил

«EXPERT- AUDIT» ХК аудиторлик  
ташкilotи директори, аудитор:



Т.Юсупов

